Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 9 август, шанба • № 63 (10.941) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

• *Қутлуғ байрамга ҳозирлик*

ВАТАН МЕҲРИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида 6 август куни Ўзбекистон мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда қутлуғ санага тайёргарлик ишларининг бориши, байрам томошаларини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Вилоятимизда ҳам мазкур байрамга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, бу пурмаъно калимада ўзини шу юртнинг муносиб фарзанди ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаронинг Она заминга бўлган меҳр-муҳаббати, дунёқараши мадҳ этилган. Зотан Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай тўсиқни енгишга қодирдир. Шу нуқтаи назардан ўтган давр ичида меҳнаткаш халқимиз мустақилликни мустаҳкамлаб, шаҳдам қадамлар ташлаб олға бормоқда.

Буни ўтган қисқа фурсат—6 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида қўлга киритилган ютуқлар ҳам исботлаб турибди. Хўш, ўзининг бўй-бастини кўрсатиб бораётган Ўзбекистонимиз истиқлолининг 6 йиллигини вилоят ўзининг қандай улуши билан кутиб олади?! Қисқа бўлсада, бугун шу ҳақда сўз юритишни лозим топдик.

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб нишонлашга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, шу йилнинг 15 июлида Тошкент вилояти ҳокимининг «Вилоятда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши, унда истиқлол байрамини муносиб кутиб олиш билан боғлиқ бўлган муҳим жиҳатлар эътиборга олинганлиги ва тегишли тадбирлар белгиланганлиги бу борада баайни улуғ иш бўлди. Вилоятда ушбу байрамни кўнгилдагидек, кутиб олишга кўмаклашувчи ташкилий қўмита иш олиб бормоқда.

Шу кунгача вилоят ташкилий қўмитасининг 3 марта йиғилиши ўтказилди. Уларда шаҳар ва туманларда тозалик ва ободонлаштириш ишларининг бориши, байрам муносабати билан ишга тушириладиган ижтимоий ва бошқа объектларни тайёрлаш масалалари кенг муҳокама қилинди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўшимча вазифалар белгиланди.

Улуғ айёмни муносиб кутиб олиш мақсадида вилоятда август — тозалик ва ободонлаштириш ойи деб эълон қилинганлиги эътиборга моликдир. Бу борада Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Тошкент, Қибрай туманларида олиб борилаётган ишлар айниқса, диққатга сазовор. Лекин ҳамма туман ва шаҳарларда ҳам бу масалага яхши эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Шунинг учун бу борада жойларда тегишли хулосалар чиқарилиши зарур. Қолаверса, 16 август куни вилоятда умумхалқ ҳашари ўтказилади. Ҳашардан тушган маблағнинг асосий қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланиши кўзда тутилган.

Ҳеч бир байрам маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирларсиз ўтмайди. Вилоятда байрамни ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш юзасидан ҳам тегишли тадбирлар белгиланган. Улуғ айём куни барча шаҳар ва туман марказлари, қишлоқ, қўрғон, маҳаллаларда тантаналар бўлиб ўтади. Уларда таниқли санъаткорлар билан бир қаторда ҳаваскор жамоаларнинг чиқишлари намойиш қилинади. Бунга «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танлови қатнашчилари жалб этилганлиги ҳам қувонарлидир. Шунингдек, улуғ айём кунлари жойларда турли спорт мусобақалари, миллий халқ ўйинлари, оммавий сайллар уюштирилади.

Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган байрам тантанасида Тошкент вилояти бадиий жамоалари ҳам иштирок этади. Бунга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айни пайтда 75 кишидан иборат фольклор-этнографик жамоа томонидан халқлар дўстлигини акс эттирувчи композиция тайёрланмоқда.

Вилоятда байрам кунлари ёрдамга муҳтож, ногирон, ҳеч кими йўқ қариялар, кўп болали оилалар, етим-есирларга моддий ёрдам кўсатиш ва ҳолидан хабар олиш анъанага айланган. Ҳозир вилоятда 4306 та уруш қатнашчиси, 1592 та урушда яқинини йўқотган оила, 3753 та меҳнатга лаёқатсиз ва ҳеч кими йўқ киши, 5642 та болаликдан ногиронлар ҳамда 2 та саховат уйида яшаётганлар бор. Байрам муносабати билан уларга оталиқ ва ҳомий ташкилотлар бириктирилиб қўйилди ва имкониятдан келиб чиқиб зарур моддий ёрдам кўрсатилади.

Мустақиллик байрами шарафига вилоятда ижтимоий-иқтисодий объектлар фойдаланишга топширилиши ҳам анъанага айланиб бормоқда. Жумладан, 1 сентябргача Янгийўл туманида замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 25 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган завод, 60 ўринли касалхона, Ангрен шаҳрида 7 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқарадиган цех, Бўстонлиқ, Пскент ва бошқа туманларда 6 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, ишга туширилади. 10 та қишлоқ фельдшерлик амбулаториялари эса биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига айлантирилади. Вилоятда бундай объектларни қуриш ва қайта таъмирлаш жараёни давом этмоқда.

Шунингдек, вилоятда 1234 ўринли (Бўстонлиқ туманида 844, Чиноз туманида 390 ўқувчига мўлжалланган) 2 та янги мактаб фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари 199 минг квадрат метр уй-жой, шу жумладан қишлоқ жойларида 159 минг квадрат метр турар-жой, 4,2 минг квадрат метр савдо, 60 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 0,9 минг ўринли умумий овқатланиш корхонаси ва бошқа кўплаб кичик ижтимоий объектлар ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Вилоятда ҳар йили байрам муносабати билан савдо-сотиқ ярмаркалари ўтказиш ҳам анъанавий тус олмоқда. Бу йил 10 августдан бошлаб барча туман ва шаҳар марказларида қишлоқ хўжалиги ва халқ истеъмоли моллари савдо ярмаркалари ташкил этилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида қишлоқ хўжалиги ва полиз маҳсулотлари савдо ярмаркалари уюштириш кўзда тутилган.

Албатта, ҳамма ишларни рисоладагидек, деб бўлмайди. Айниқса, жойларда тозалик ва ободонлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратишимиз, маънавий-маърифий, оммабоп тадбирлар кўлами ва савиясини ошириш устида кўп ишлашимиз лозим. Зеро, шу Она юрт, шу муқаддас замин барчамизникидир. Унинг ривожи, кўркамлиги ва бақувватлиги учун ҳар биримиз улуш қўшишга бурчлимиз.

Холтўра ШАФОАТОВ,
вилоят ҳокимлиги котибияти мудири.

МУНОСИБ СОВҒА

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ВИЛОЯТИМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИ ДОН ТОПШИРИШ РЕЖАСИНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР. ОМБОРЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ҲОСИЛ 220 МИНГ 400 ТОННАДАН ОШИБ КЕТДИ

ВИЛОЯТ хўжаликларида бу йил жами 115 минг 900 гектардан кўпроқ ерда ғалла етиштирилди. Барча майдонларга сараланган ва дориланган уруғлик экилгани, озиқлантириш ва суғориш ишлари агротехника талабларига қатъий риоя қилиб ўтказилгани туфайли яхши ҳосил етиштирилди. Хўжаликларда ўрим-йиғим пухта тайёргарлик билан бошланди. Мавжуд 631 та техника ва транспорт воситалари барвақт ва сифатли таъмирланди. Мавсум давомида далаларда кунига 500 тадан кўпроқ, шу жумладан, 56 та юқори унум билан ишлайдиган «Кейс» комбайнлари ишлади.

Жойларда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг мақбул усулларидан самарали фойдаланилди. Айниқса, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Янгийўл ва Чиноз туманларида унумдорлик юқори бўлди. Тошкент, Қибрай, Зангиота ва Янгийўл туманлари вилоятда биринчилардан бўлиб ғалла топшириш режасини муваффақиятли бажардилар. Хусусан, Зангиота туманида давлатга ғалла топшириш буюртмаси 174,9, Қибрай туманида 149,6, Тошкент туманида 145,2 фоиз қилиб адо этилди.

Қуйичирчиқ тумани ғаллакорлари шу кунгача вилоят умумхирмонига 28 минг 266, Ўртачирчиқ тумани 24 минг 637, Юқоричирчиқ тумани 20 минг 378, Оҳангарон тумани 16 минг 716, Янгийўл тумани хўжаликлари эса 15 минг 922 тонналик ғалла билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Паркент, Бўстонлиқ, Пскент туманлари деҳқонлари ҳам йиллик режаларини ва қўшимча топшириқларини бажариб, юзларини ёруғ қилдилар.

Вилоят ғаллакорларининг ушбу меҳнат ғалабаси республикамиз мустақиллигининг олти йиллигига муносиб совғадир.

(Вилоят ғаллакорларининг меҳнат муваффақиятларига бағишланган саҳифани газетанинг 2-бетида ўқийсиз).

СУҲБАТЛАРИДАН БАҲРА ОЛИШДИ

ЁШЛАРИМИЗДАГИ юксак маънавий фазилатларни авайлаб-асраш ва янада баркамоллаштириш, уларни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш халқ таълими олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим марказида қилинаётган ишларга янада янги уфқлар очиб берди.

МАРКАЗ қошида ташкил топган «Инсон камолоти» маънавият университетининг 1997 йил учун режалаштирилган машғулотлари мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Марказ директори Ҳ. Шоумаров маънавият бўйича директор ўринбосари К. Сайдумарова, «Инсон камолоти» маънавият университети ректори, фалсафа фанлари доктори Т. Тошпўлатов ҳамда «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими мудири, Халқ таълими аълочиси М. Туробовалар ҳамкорлигида ташкил қилинаётган ушбу машғулотларни республикамизнинг йирик мутахассис олимлари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ходимлари, таниқли адабиёт ва санъат намояндалари олиб бормоқдалар. Суҳбатлар чоғида ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш, таълим-тарбияси ва маънавиятини шакллантириш, уларда юксак ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғуларини камол топтириш масалалари мавзуларнинг асосий йўналишлари бўлмоқда.

Яқинда ушбу даргоҳда ўтказилган навбатдаги машғулотда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раиси Неъмат Аминов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси миллий маънавият кафедраси мудири, филология фанлари доктори Муҳаммаджон Имомназаровлар мулоқот ўтказдилар. Хусусан, Н. Аминов «Ўзбек халқи буюк маънавият соҳиби» мавзусидаги маърузасида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вакилларининг Президентимиз ҳузурида бўлиб ўтган учрашувлари ҳақида сўзлаб берди. Ғоят ҳаяжонли ўтган мулоқотнинг асосий мақсади ёшларимиз онгига энг эзгу, энг покиза инсоний хислатларни сингдиришга, уларни Ватанимиздан фахрланадиган, унинг манфаати йўлида ёниб кураша оладиган кишилар сифатида шакллантиришга қаратилганлигини таъкидлади. У ўз сўзида юртбошимиз ташаббуси билан кўп даврлар мобайнида поймол этиб келинган миллий қадриятларимиз, улуғ аждодларимиз мероси халқимизга қайтарилганидан одамлар руҳиятида катта ўзгаришлар содир бўлганини алоҳида қайд этди.

Муҳаммаджон Имомназаров «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» мавзусидаги суҳбатида миллатимиз, мамлакатимизнинг шону-шарафига лойиқ жиҳатларни ўлкамиз халқлари маънавий ҳаёти ва унинг равнақи билан бевосита боғлиқ ҳолда тадқиқ этиб берди.

Муяссар УМИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Таҳрир ва нашриёт» бўлими катта муҳаррири.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

«Пахта-97»

1997 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсумига ҳам саноқли кунлар қолди. Қимматбаҳо хомашёни қайта ишловчи корхоналар бунга қандай тайёргарлик кўрмоқда? Республика «Пахтасаноатсотиш» уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда биринчи ярим йиллик якунлари, янги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва уни сифатли қайта ишлаш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишни уюшма раиси Э. Зикриёев бошқарди.

Сўзга чиққанлар соҳада маҳсулот сифатини яхшилаш, омбор ва лабораторияларни янги мавсумга тайёрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Айни вақтда баъзи вилоятларда пахта йиғим-терими бошланай деб қолганига қарамай, қайта ишлаш корхоналари маҳсулотни қабул қилишга тўлиқ тайёрланмаган. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Муҳиддинов қатнашди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

САНЪАТКОРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ВИЛОЯТ маданият ишлари бошқармаси тизимидаги барча муассасалар мустақиллигимизнинг олти йиллигини муносиб нишонлаш учун режалар белгилаб олдилар.

Унга кўра, Янгийўл шаҳрида Маданият уйи тўлиқ таъмирланмоқда. Юқоричирчиқ туманида марказий кутубхона қайта жиҳозланиб, шоирлар, ёзувчилар, китобхонлар билан учрашувларга ҳозирлик кўраётир. Оққўрғон туманида эса бадиий даста аъзоларига мўлжаллаб, миллий либослар тикиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Айни пайтда Тошкентда истиқлол байрами концертида қатнашадиган вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан танлаб олинган ҳаваскор-санъаткорлар тайёргарлик машқларини бошлаб юбордилар.

Ҳасан САИДАҲМЕДОВ.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ЯҚИН

ВИЛОЯТ шаҳар ва туманларида халқ таълими ходимлари, мактаблар ўқитувчилари учун қизғин дамлар бошланмоқда. Улар бу йилги август кенгашлари ўзгача ўтишини ҳис этиб, бу анжуманларга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Кенгашларда истиқлол йиллари ичида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилиши муносабати билан ўқув дастуридаги ўзгаришлар, ўқитувчи малакаси ва ҳуқуқий билим машғулотларини ташкил этиш мавзуларида фикр-мулоҳазалар юритилади ва тажриба алмашинади.

Бўлажак кенгашларда инсон манфаатлари йўлида ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қилинган ишлар бўйича шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳоким муовинларининг ахборотлари ҳам тингланади.

Саид ВАЛИЕВ.

МУҲАРРИРЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

БУГУНГИ кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, халқ фаровонлигини таъминлаш, жамиятни демократлаштириш йўлида олиб борилаётган ишларни ёритишда, оммага етказишда ахборот воситалари, хусусан, газеталарнинг роли тобора ошиб бормоқда. Айни вақтда матбуотнинг зиммасига янада катта ва масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

Куни кеча республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан Паркент туманида ўтказилган вилоят, шаҳар, туман газеталари муҳаррирларининг кенгашида бу борада маҳаллий газеталар таҳририятларида амалга оширилаётган ишлар ва улар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Ўзаро тажрибалар алмашинди.

Кенгашда, шунингдек, жойларда республикамиз мустақиллигининг олти йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни кенг ёритиш, газетхонларнинг ахборотга бўлган талабини қондириш, маҳаллий журналист кадрлар малакасини ошириш борасидаги масалалар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ,
Бўка тумани «Халқ овози» газетаси муҳаррири.

«НОДИРАБЕГИМ»НИНГ ҲУҚУҚ КЛУБИ

ҲАР бир инсоннинг жамиятда ўзига хос ўрни бор, дейишгани рост экан. Янгийўл шаҳридаги «Нодирабегим» маҳалласи энди оқсоқолга ёлчиди.

Кўп йиллар ички ишлар тизимида ишлаб келган Худойберган Темиров маҳалла қўмитаси раислигига сайландию, маҳалладаги барча тадбирлар ихчам, сермазмун, тартибли ўтадиган бўлиб қолди.

Айни пайтда ташаббускор оқсоқол шу ҳудудда истиқомат қилаётган фаоллар ёрдамида қатор ободончилик ишларига ҳам бош-қош бўлмоқда.

Яқинда Х. Темиров таклифи билан маҳаллада жамоатчилик асосида «Ҳуқуқий билимлар клуби» ташкил этилди. Уни мактаблардан жалб қилинган ҳуқуқ ўқитувчилари, зиёлилар бошқармоқдалар.

Рихси АБДУҚАЮМОВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1997 йил 9 август № 63 (10.941)

Ўзбекистон
Республикаси мустақиллигининг
олти йиллиги олдидан

МУНОСИБ СОВҒА

ДОН ХИРМОНИ — ШОН ХИРМОНИ

БИЗЛАРНИ бутун жаҳон ўзбек деб таниётир. Бу ҳидоятга олти йил муқаддам эришган мустақиллигимиз туфайли мушарраф бўлдик. Ўзбекистон, ўзбек деганда, азалдан, одамларнинг кўз олдига, энг аввало, пахта, ғалла, жаннатий мева-чевалар келган. Ота-боболаримиз дон сочиб, элнинг ризқ-рўзи эшигини очиб келганлар. Бу анъанавий деҳқончилигимиз мустақиллик йилларида қайтадан бўй кўрсата бошлади. Сал бўлмаса унутилаёзган «ғаллачилик», «ғаллакор» деган иборалар қайтадан кишиларнинг фахрланадиган касб-корига айланди. Президентимиз томонидан эълон қилинган ғалла мустақиллигига эришиш шиори эса бу соҳага меҳр қўйган одамларга улкан, битмас-туганмас руҳий куч ва қудрат ато этди.

Бизнинг Тошкент вилоятимизда ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб қолди. Меҳнаткашларимиз йилдан-йилга дон экиладиган майдонларни кенгайтирмоқдалар, олинадиган тонналар юкини тобора оширмоқдалар. Мана, бу йил ҳам улар 115 минг 950 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ўрим-йиғим ишлари юқори савияда ташкил этилди. Натижада, давлатга ғалла топшириш режаси муваффақиятли адо этилди. Давлат омборларига 220 минг 400 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди. Бу — республикамиз мустақиллиги таваллудининг олти йиллиги тўйига муносиб армуғондир. Хўш, бундай ютуққа миришкорларимиз нималар эвазига эришдилар? Бу йилги ўрим-йиғим мавсумининг ўзига хос томонлари нималардан иборат бўлди?

ҲАР ҚАНДАЙ ҳосил замини ер ҳайдашдан, шудгор қилишдан бошланади. Айниқса, ғаллачиликда бу удум биринчи ўринда туради. Тажрибали деҳқонлар буни жуда яхши билишади. Шу боис барча туманлардаги асосий майдонлар ўтган йил кузидаёқ шудгор қилинди ва дон сепилди. Натижада, сифатли ҳайдалган, етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар солинган ерлардаги уруғликлар хатосиз униб чиқди. Булиқ майсаларни кузда ва баҳорда қондириб суғоришга, озиқлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Арпа-буғдойга ўроқ тушадиган кезлар эди. Ўшанда вилоят ҳокимлиги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирларни аввалдан белгилаб қўйди. Туман ҳокимликлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Агромашсервис» ҳиссадорлик бирлашмаси, «Мевасабзавотузумсаноат» кенгаши, «Донмаҳсулот» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби вилоят ташкилотларига аниқ-тиниқ кўрсатмалар берилди.

Оқибатда дон ўриш комбайнлари, транспорт воситалари, дон тозалаш техникалари, дон қабул қилиш пунктлари ўз вақтида тайёр ҳолга келтирилди. Шу билан бир қаторда комбайнчиларни, транспорт воситалари ҳайдовчиларини, ўрим-йиғимда ва ҳосил ташишда банд бўладиган бошқа ходимларни иш унумига, топширган маҳсулотлари сифатига, нобудгарчиликка йўл қўймаслигига қараб рағбатлантиришнинг самарали тадбирлари белгилаб қўйилди. Топширилган ҳосил учун хўжаликлар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб туриш назарда тутилди. Зарур бўлганда узоқ туманларда ва ғалла сероб жойларда муваққат дон қабул қилиш манзиллари очилди.

Ғалла ҳосилини қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олган, давлат буюртмасини бажариш ва эркин нархларда сотиш, уруғлик ғалла тайёрлаш, давлат омборларига ҳамда заҳираларига ҳосил топшириш бўйича режани биринчи бўлиб якунлаган ғолиб туманлар, хўжаликлар ва комбайнчиларга бериладиган мукофотларнинг таъсис этилиши одамларнинг ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга рағбатлантирди.

Иш бошидан пухта қилинса, натижаси хайрли бўлади, деганлари рост экан. Мана, бугун — режа бажарилган айёмларда бу доно гапларнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор сезиб турибмиз.

Ҳа, муваффақият калити самарали омиллардан иборат бўлади. Бугина ҳам эмас. Омил таомилга айланса, шубҳасиз, муваффақиятга эришилади. Шунинг учун ҳам омил онаси таомил дейдилар. Биз бугун интизом ва масъулият деган тушунчалар хусусида тўхталмоқчимиз. Шудгорлашми, мўл ҳосил тўплашми, уни йиғиб-териб олишми, ҳамма-ҳаммасида — интизом ва масъулият бўлмаса, панд еб қолиш ҳеч гап эмас эди. Оддий дала кишиларидан тортиб энг катта амалдорларгача бу сўзларнинг мағзини яхшигина чақиб олганликларини неча бор кўрдик.

Бу таҳлитда ишлаш мустақиллик йилларида таомилга айланди. Юртбошимиз «Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади» деганларида минг бор ҳақ эканлар. Ўз Ватанини астойдил севган, элим, юртим деб ёниб яшаган инсонгина ҳар бир ишни рисоладагидек, кўнгилдагидек қилиб бажаришга камарбаста бўлар экан.

ҒАЛЛА — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

Ана шу жиҳатлар Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини бутун оммага, ҳар бир меҳнаткашнинг қалбига сингдиришдан, ҳар бир ҳужжатнинг моҳиятини чуқур тушунишдан туғилган, деб ўйлаймиз. Мисолларга мурожаат этайлик. Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясида ҳосилдорлик ўртача 45 центнерни ташкил этди. Мазкур тумандаги «Олға» жамоа хўжалигида эса 805 гектар майдондан 1650 тоннадан кўпроқ дон йиғиб олинди. Бўстонлиқ туманидаги «Паргос» жамоа хўжалиги ижарачилари ҳам гектаридан 45-52 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Паркент туманидаги «Бўстон», «Бойқозон», «Гулбаҳор», Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги», Ўртачирчиқдаги «Роватак», «Қорасув», «Истиқбол», «Ҳақиқат», Тошкент туманидаги «Тошкент», Янгийўл туманидаги Назарали Ниёзов номли, «Тинчлик», Чиноздаги Собир Раҳимов номли, Қибрайдаги «Турон», Зангиота туманидаги «Бўзсув», «Эркин», «Иттифоқ» ва бошқа ўнлаб хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 45-55 центнердан ошиб кетди.

Баракали ҳосил етиштиришда жойларда сўз билан иш бирлигига эришилганилиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Бу эса янгича дунёқарашнинг шаклланганлиги, узоқни кўра билиш ҳислати туғилганлиги, ўз касбига моҳир бўлиб қолганликларидан далолатдир.

Республикамизнинг бутун аграр сиёсатида ерга эгалик қилиш ҳақидаги масала ўта муҳим эканлиги бу йилги мавсумда яққол кўзга ташланди. Қуйичирчиқ туманидаги 99 та фермер-хўжаликларининг аъзолари ерга чинакам хўжайинлик қилганликлари сабабли қувончли натижаларга эришдилар. «Меҳнатобод»лик фермер Йўлдош Эрматов 2,2 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон кўтарди. «Пахтачи» жамоа хўжалигининг фермери Темир Турғунбоев эса 11 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ошириб ҳосил олди. «Бундай кўрсаткичларга улар ҳақиқатан ҳам заминдор бўлганликлари туфайли эришдилар», — дейди фахрланиб, Қуйичирчиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи П. Бойдебов. Ҳа, ерга, етиштирилган ҳосилга тўла ҳуқуқли хўжайин, деб мана шуларни атаса бўлади.

... Минг-минг гектар майдонлардаги ғаллазорларни дастлаб кўрганингизда борми, ҳайратдан ёқа ушлардингиз. Уларни 1-1,5 ой ичида саранжомлаб олиш осон иш эмас. Тасаввур қилинг, соатига гектарлаб буғдой ўрадиган комбайнлар бўлмаса, шунча ҳосилни ўроқ билан эплаб бўлармиди? Асло! Шунинг учун ҳам кейинги йилларда деҳқонларнинг мушкулини осон этадиган серунум агрегатларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор берила бошланди. Ғаллазорларда кечаю-кундуз ўримда бўлган юзлаб «Кейс», «Енисей», «Нива» сингари комбайнлар ҳосилни тезда ўриб-янчиб олиш имконини яратди. 500 дан зиёд комбайн, 2 мингдан кўп транспорт воситаларини тахт қилиб, етказиб беришда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Агромашсервис», «Мевасабзавотузумсаноат», «Донмаҳсулот», «Тошвилюктранс» каби бирлашма, уюшма, корпорациялар уюшқоқликнинг ҳавас қилгудек намуналарини кўрсатдилар. Масалан, биргина Зангиота туманида мавсумда 16 та турли русумли комбайнлар ишлатилди. Шу туфайли 2320 гектар ердаги ғалла тез кунларда йиғиштириб олинди. Давлатга 4 минг тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Қибрай туманида эса бу кўрсаткич 5500 тоннадан, Бўстонлиқда эса 9 минг тоннадан ошиб кетди.

Комбайн ёхуд юк машинаси ўзича юрмайди. Уларни чинакам жўмард кишилар, айтганини бажо келтирадиган эр йигитлар бошқарадилар. Чинозлик — Музаффар Бўрибоев, ўртачирчиқлик — Фарид Галиев, бекободлик — Мўмин Тўйчиев, қуйичирчиқлик — Аҳмаджон Мирзалиев, юқоричирчиқлик — Жумадилла Пардабоев, бўкалик — Ўрозбой Молдақуловлар ана шундай ажойиб инсонлар сирасига кирадиган суворийлардир. Хўжаликларда комбайнлар иши бригада усулида ташкил этилганлиги уларни назорат қилиб бориш, техникавий хизмат кўрсатишни обдон осонлаштирди. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, вилоятдаги ўрим-йиғим мавсуми тақдирини механизаторлар ҳал қилдилар.

... Нон — иймон қадар муқаддас. Ризқ-рўзимиз, оиламиз тўқлиги, болаларимиз шўхлиги ана шу уйилган ғалла хирмонларининг файзу баракасига даҳлдордир. Бу хирмонлар фаровон ҳаёт тимсолларидир. Шунинг учун ғалла мўллигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги, сиёсатидаги ўрни, нуфузи, аҳамияти ғоят буюкдир. Асосий муддаомиз ғалла мустақиллигига эришишда йилдан-йилга илгарилаб бораётганлигимиз бугун ҳар бир ватандошимизни — каттани ҳам, кичикни ҳам — мамнун этмоқда. Пок ният билан уйилган хирмонларимиз яхшиликларга буюрсин!.. Бу буғдойлардан ясаладиган ширмойи нонлар байрам, тўй, хурсандчилик маъракаларида дастурхонларга тортилсин.

Раҳимберди УМАРОВ,
Саидвали ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.



ВИЛОЯТ ғаллакорларининг етиштирган ҳосили хирмонга тушиб бўлмоқда. Улар куни кеча энг улуғ неъмат ва ризқ бўлмиш дон тайёрлаш режасини бажардилар. Сураткашларимиз ушбу суратларни йиғим-теримнинг айни қизғин кунларида тасвирга туширган эдилар.

- ***Юқорида: Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги ҳосилоти Қамбарали Қорабоев, хўжалик раиси муовини Бахтиёр Ўсербоев, комбайнчилар — Алданазар Пўлатов ва Аҳмаджон Мирзалиев.***
- ***Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалигининг бригадаси бошлиғи Карим Рўзиев. У етакчилик қилаётган жамоа ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб хирмон кўтариб, хўжаликда биринчи бўлиб режасини ва қўшимча топшириқни бажарди.***
- ***Бу йилги ўрим-йиғим мавсумида вилоят ғаллазорларида кунига 500 тадан кўпроқ комбайнлар, шу жумладан, 56 та серунум ва кучли «Кейс» комбайнлари (пастда) деҳқонлар юмушини осон қилди. Уларни моҳирлик билан бошқарган уста механизаторлар ҳар куни 900 геатардан кўпроқ майдондаги ғаллани ўриб-янчиб, саранжомлаб беришди.***

А. МАЛЬЦЕВ ва
У. АҲМЕДОВ олган
суратлар.

ДАЛАЛАР УЙҚУ БИЛМАС

Иқтисодий ислоҳот қишлоқ аҳолисининг фақат тафаккуринигина эмас, унинг меҳнат фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди, уларнинг онгида хусусий мулкчилик, мустақил фикрлаш ва меҳнат қилиш ҳиссини мустаҳкамлади. Энди деҳқон юқоридан бўладиган буйруқ ва топшириқни кутмай, ўзи қўл ураётган иш бозор талабига мос келиб оиласига, хўжалиги ва қишлоғига фойда келтиришига ишонсагина бажарадиган бўлди. Хўжалигимиз аъзолари ҳам олдинги иш юритиш услубидан воз кечиб, икки йилдирки, оила пудрати усулига ўтдилар. Шунингдек улар бамаслаҳат мавжуд 716 гектар экин майдонларига аҳоли талабига мос келадиган экинларни экиб, фақат мўл ва сифатли ҳосил етиштирибгина қолмай, меҳнат ва маблағ сарфини камайтирган ҳолда таннархини ҳам арзонлаштириш ва шу йўл билан олинадиган фойдани кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилгандан сўнг хўжалигимиз умумий йиғилишида бу соҳанинг деҳқон рўзғори учун кони фойда эканлигини ҳисобга олиб, шу сабабли жами экин майдонларининг салкам учдан бир қисмида ғалла етиштиришга қарор қилинди. Кузги буғдойнинг яна бир фойдали жиҳати деҳқонларга ёқиб қолди. Кузда экилган ғалла ёз чилласида ўриб-янчиб олингач, унинг ўрнига такрорий экинлар, жумладан, дон ва силос учун маккажўхори, мош, картошка ва бошқа кузги резавор экинлар экиб, яхшигина ҳосил етиштириш ва шу йўл билан ҳам хўжалик умумий даромадини кўпайтириш мумкин.

Хўжалигимизда ўтган йили сентябрь ва октябрь ойларида 280 гектар майдонга ғалла экилганди. Уруғ ерга тушганда, майсалар қишдан чиққанида ва найчалай бошлаганида мириқтириб суғорилгани гектарига 500 килограммдан аммиак селитра ва 180 килограммдан аммофос солиб озиқлантирилгани, мол-ҳол тушишидан сақлангани, ўрим олдидан бегона ўтлардан тозалангани мўл ҳосил тўплаш имконини берди. Ўримни қисқа муддатда ўтказдик. Мавжуд 2 та «Нива» комбайнида ишлаган Акром Каримов ва Дилшод Олимов барча майдонлардаги ғаллани ўриб, ҳар бири 500 тоннага яқин дон янчиб берди. Хўжалик бўйича ҳосилдорлик 40 центнерга, Ойбек Эгамназаров, Аҳмад Эсонов, Маҳамаджон Болтабоев, Жалол Айдишов бошлиқ бригадаларда эса 42—43 центнерга етди. Хирмонга уйилган жами 1170 тонна буғдойнинг 943 тоннасини ёки режадагидан деярли 300 тонна кўпроғини давлатга топширдик.

Ҳосилнинг баракасини берадиган омил, аввало, обитобидаги парвариш бўлса, қолаверса, сара уруғ эканлиги ҳар бир деҳқонга маълум. Биз бу йил хўжалигимизда ғалланинг уч навини экиб, синаб кўрдик. «Скифянка» нави «Унумли» ва «Интенсив» навларига қараганда тупининг бақувватлиги, буғдойининг қаттиқлиги ва серҳосиллиги билан кескин фарқ қилди. Бошқа навлардан гектаридан 42—43 центнердан ҳосил олинганида, 50 гектар ердаги «Скифянка»нинг ҳар гектаридан 47—50 центнер хирмон совурдик. Шу сабабли бу йил кузда ғалла учун ажратилган 400 гектар майдонга экиш мақсадида ана шу навдан етарли миқдорда уруғ жамғариб қўйдик.

Ғалла ўрим-йиғими тугади. Аммо, бу экин майдонларида иш поёнига етди, деган гап эмас. Далалар уйқу билмайди. Дондан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдаб, унинг 100 гектарига силос учун маккажўхори, кечки картошка, карам, бодринг, сабзи экиб қўйдик. Бу ҳам бўлса кузда хўжаликка кўп миқдорда қўшимча даромад келтиради.

Хўжалигимиз бўйича ўтган йили сабзавот, полиз, ғалла ва мевачиликдан жами 2,8 миллион сўм олгандик. Бу йил эса камида 5 миллион сўмлик фойдани кўзлаб турибмиз. Эртаки ва ўртаки экинлардан олинган ярим йиллик тушум йил охирига бориб даромаднинг режадагидан анча кўп бўлишини кўрсатмоқда. Халқимизда эса даромадга қараб буромад, деган гап бор. Фойда қанчалик кўп бўлса, хўжалик аъзоларининг дасти ҳам шунчалик узун, рўзғорлари бут, турмушлари фаровон бўлади. Сирасини айтганда қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кутилган мақсад ҳам ана шунда. Ҳа, ислоҳотлар ҳамқишлоқларимиз ҳаётига чуқур кириб бориб, уларнинг онгида, меҳнат фаолиятида, иш тутишида, турмуш кечиришида туб бурилишлар ясаяпти.

Акмал НАЗАРОВ,
Қибрай туманидаги
«Дўрмон» жамоа
хўжалигининг раиси.



500 ТОННА УЧУН «ТИКО»

МАЙНИНГ бошлари эди. Ғўзаларни культивация қилиб юргандим. Раисимиз Ғофир Қўчқоров далаларни айланиб келиб, ишимни кўздан кечираркан, уёқ-буёқдан сўзлашиб турди-да, сўнг «Комбайнда ишлашни хоҳлайсанми?» деб сўради. Ҳеч қачон раиснинг бесабаб савол бермаслигини билардим.

— Шунча механизаторларнинг орасидан сен билан Ғофиржонни танладик. Йўқ демайсан, энди, — деди у. — Буғдой ўрими ҳам нозик иш. Айниқса, комбайнда ҳар ким ҳам ишлай олмайди, бунга бой тажриба керак. Хўш, нима дейсан, розимисан?

Рози бўлдим. Хўжаликка иккита янги «Енисей» комбайни келтирилганди. Унинг бирини менга, бошқасини Ғофир Ортиқалиевга беришди. Уёқ-буёғини тортиб, созлаб бўлгунимизча ўрим-йиғим ҳам бошланди. Ишга шўнғиб кетдик.

Ўшандан бери уч йил ўтди. Шундан буён кузда дон сочиб ва озиқлантириб, ўрим-йиғимда иштирок қиламан. Комбайним ҳам ўша-ўша — «Енисей»: таъмирни ўзим бажарганим учун мавсум давомида эгарланган отдек бўлиб туради. Шу уч йил давомида ўримнинг ҳам ҳадисини олиб қолдим. Уруғни ўзим экканлигим учун ҳар бир даланинг паст-баланди ёд бўлиб кетган. Эрта тонгдан тун ярмигача ғалла ўраман. Мавсум охирида хирмон уйилиб, ҳисоб-китобни чиқариб бўлгач раисимизнинг ўзи келиб энг кўп ғалла ўриб-янчганимизни айтиб, мукофотлаб кетади.

Тўғри, кейинги уч йилда хўжалигимиз ғаллачилиги асосий соҳалардан бирига айланди. Экин майдонлар кенгайиб, салкам 1000 гектарга етди. Хўжалик бошқаруви яна 3 та комбайн сотиб олиб, «Енисей» ва «Нива»ларнинг сонини бештага етказди. Ғаллакорларнинг тажрибаси ҳам бойиди. Экинни сувидан, озуқасидан толиқтирмай, вақтини, меҳнатини аямай ишлайдиган бўлди. Бунинг эвазига ҳосилдорлик ҳам ошиб 32,5 центнерга, ялпи ҳосил 2878 тоннага етди. Абдуғаффор Одилов бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан, Рихситилла Очилов, Зокир Рихсибоев бошлиқ бригадалар 45 центнердан хирмон кўтарганлиги ҳам ғаллачилик соҳаси хўжалик деҳқонларининг ҳаётига нечоғлик чуқур кириб бораётганлигини кўрсатади.

Бу йилги мавсум мен учун узоқ вақт эсда қоладиган алоҳида йил бўлди. 150 гектар ердаги донни ўриб, 500 тонна, Ғофир Ортиқалиев 450 тонна, Тўлқин Йўлдошев эса 400 тонна ғалла янчиб бергандик. Туман ҳокими Йўлдош Тожибоевнинг ўзи келиб ҳаммамизни табриклади-да, энг кўп ғалла янчиганимни ҳисобга олиб энг катта соврин — «Тико» автомашинаси менга насиб қилганлигини айтди. Сирасини айтганда бу соврин менга яна бир мукофот бўлди. Негаки бир мавсумнинг ўзида хўжалик раиси Ғофир Қўчқоров уч марта қўлимни сиқиб, 4,5 минг сўм мукофот пулини санаб берганди. Кечаги куни эса у мавсум давомида 50 минг сўм ишлаганимни айтиб кетди.

Кўраяпсизми, ғалла ҳалол ишлайман, деган одамга албатта бахт келтиради. Деҳқоннинг омбори буғдойга, чўнтаги жарақ-жарақ пулга тўлади, минаман десак совринга «Тико» сингари автомашиналарни муҳайё қилади. Меҳнатдан барака топиш дегани шу эмасми, ахир!

Рихситилла НОРМАТОВ,
Янгийўл туманидаги «Ниёзбош»
жамоа хўжалигининг комбайнчиси.

ИХЛОС

АГАР мендан қишлоқда амалга оширилган ислоҳот нима берди, деб сўрагудек бўлсалар, мен сира ҳам иккиланмай, мулкдор бўлиб ишлаш ҳуқуқини берди, деб айтган бўлардим. Узоққа бормай ўз қишлоғимизда рўй берган ўзгаришларни олайлик. Ислоҳот муносабати билан «мустақил бўлиб ишлайман, фақат ўз оиламнигина эмас, қўни-қўшни, ҳамқишлоқларимнинг ҳам рўзғорини бут, дастурхонини тўкинсочин қиламан» деган ўн нафар тажрибали деҳқон фермерлик номини олиб, 212 гектар ерда деҳқончилик қила бошлади. Орадан кўп ўтмай заминдорликнинг ажойиб хусусияти ялт этиб кўрина қолди. Уларнинг барчаси ҳам хоҳ пахтачилик, хоҳ чорва ёки ғаллачиликда бўлмасин, ҳосилдорликни оширишда бутун қишлоққа мана мен деб кўзга ташланиб қолдилар.

Ўзимдан мисол, 72 гектар ернинг 30 гектарига буғдой, 22 гектарига шоли, қолган майдонларга силос учун маккажўхори ва беда экиб, мунтазам мўл ҳосил етиштиряпман. Ўтган йили буғдойнинг ҳосилдорлиги 35 центнерга, шоли ҳам 35 центнерга етган эди. Кузда 40 гектар майдонга буғдой сепдик. Тўрт марта мириқтириб суғорилгани ва яхшилаб озиқлантирилгани сабабли ҳосил кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Гектаридан 50 центнердан дон ўриб-янчиб олиб, ҳосилнинг 30 тоннасини ҳар бир килосига 9 сўм 90 тийиндан нарх қўйиб, давлатга топширдик.

Шоли ҳам яхшигина даромад келтирадиган донли маҳсулот. 22 гектар майдонга «Узрос-7-13» навли шоли экқандик. Бу нав серҳосиллиги билан ажралиб туради. Экин қалин кўкарган, ола жойлари йўқ. Озуқасидан вақтида хабардор бўлиб турибмиз. Пайкаллар бегона ўтлардан тозаланган. Насиб қилса гектаридан яна камида 35 центнердан шоли оламиз. Буғдойдан бўшаган ерларга эса макка ва мош экиб олдик. Куз келиб хирмон кўтарилганда бу ҳам бизга мўмай даромад келтиради.

Фермер хўжалигимиз ўтган йилдан бошлаб чорвачилик билан ҳам шуғулланаяпти. Тўғри-да, 40 гектар майдонга экилган буғдойдан мўл-кўл сомон, 22 гектар шолидан похол, 14 гектар беданинг ҳар гектаридан 120 центнердан пичан олинса-ю, тўйимли озуқа бўлатуриб, қорамол асрамаймизми? Ҳозир 33 бош йирик қорамолимиз, 30 бош қўйимиз, 10 та отимиз бор. Ёзли-қишли молхона қурдик. Етарли миқдорда пичан ва ем жамғардик. Беш бош сигирдан соғиб олинган сут хўжалигимизнинг 17 аъзосига етиб турипти. Бир тонна 300 килограмм гўшт сотдик. Бу ҳам яхшигина даромад келтирди, албатта.

Президентимиз ҳамиша деҳқон ғамини еб, уларга меҳрибонлиқ кўрсатаяптилар. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликларига барча зарур ёрдамни кўрсатиш, уларни техника, ўғит, уруғлик билан таъминлаш, ҳатто етиштирган маҳсулотларини харид қилишни ташкил этиш зарур бўлганда имтиёзли кредитлар ажратиш чораларини белгилаб, уни изчиллиқ билан амалга оширмоқдалар. Биздан эса фақат бир нарса — деҳқончилик ва чорвачиликка зўр бериб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш талаб қилиняпти, холос. Биз — фермерлар бу ишончни оқлаймиз, албатта. Шахсан ўзим фермер хўжалигимиз ҳисобидан қишлоқ хонадонларига газ олиб келишни, тегирмон қуриб, ишга туширишни зиммамга олдим. Буни амалга ошириш учун эса барча имкониятларга эгаман.

Жахсибек АСИЛБЕКОВ,
Қуйичирчиқ
туманидаги Абай
номли жамоа хўжалиги
худудидаги фермер
хўжалиги раҳбари.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА



ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ЎТГАН пайшанба куни Москвада Россия Президенти Борис Ельцин билан Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Каспий денгизининг мақоми ҳамда икки мамлакатнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● СЕУЛДА 18-29 август кунлари Жанубий Кореяда АҚШ ва Корея Республикаси қуролли кучларининг кенг миқёсда ҳарбий машқлари бўлиб ўтажаклиги эълон қилинди. «Йўлчи-Фокус Ленз» деб номланган бу машқларни ўтказишдан мақсад икки мамлакатнинг мудофаа соҳасидаги ҳамкорлигини янада такомиллаштиришдир. Машқларда Америка томонидан пиёда, ҳарбий-денгиз ҳамда ҳарбий-ҳаво қўшинларидан иборат 16,5 минг нафар аскар ва зобитлар иштирок этадилар.

● АФҒОНИСТОН пойтахти Кобул атрофидаги вазият ўзгаргани йўқ. «Толибон»чиларга қарши уюшган кучлар пойтахтни ташлаб чиқиб кетиш ва бу ҳудудни қуролсиз минтақага айлантириш тўғрисида шарт қўйдилар. Лекин, «толибон»чилар ўз навбатида муқобил талабни олға сурмоқдалар. Уюшган кучлар қўлга олинган асирларни тезда бўшатиши лозим эмиш. Қисқаси, яраш ниятларини кўзловчи музокаралар учун тўпланиш масаласи тобора орқага сурилмоқда.

● ФРАНЦИЯНИНГ Овиньон шаҳрида жаҳон аҳамиятига молик бўлган театр фестивали очилди. У айни кунларда ўз «таваллуди»нинг 50 йиллигини нишонламоқда.

РУБЛЬ УЧТА НУЛГА «ОЗДИ»

РОССИЯ федерациясида шу йилнинг охирига бориб пул ислоҳоти ўтказиш аниқ бўлди. 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб бутун мамлакат бўйлаб янги қийматга эга бўлган рубль муомалага киритилади. Ҳозирги 1000 рубль 1 рубль даражасида бўлади. 1999 йилнинг 1 январигача эски ва янги пуллар тўлов бирликлари сифатида амалда ишлатилаверади. 2002 йилнинг охиригача эски пуллар секин-асталик билан муомаладан чиқарилади. Бу ҳақда Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин ўзининг махсус баёнотномасида эълон қилди. Пул деноминациясининг асосий мақсади Россия рублининг жаҳондаги иқтисодий обрўсини оширишдир, деди президент.

ИСПАНИЯ «СИРИ»

Иккинчи жаҳон уруши даврида Испаниянинг нейтралитетда бўлгани бежиз эмас экан. Англиялик тарихчи Дэвид Стаффорднинг таъкидлашича, ўша даврда Испаниянинг нейтралитетини 500 миллион АҚШ долларига Буюк Британия сотиб олган.

Маълумки, 1940 йилнинг кузида Олмония билан Испания ўзаро иттифоқчилик қилишга келишиб олган эди. Бу келишувга биноан, 1941 йилнинг бошида икки давлат ҳамкорлигида Англияга ҳужум уюштириш режалаштирилганди. Бироқ, кўп ўтмай Испания урушдан бош тортди. Бунинг сабаби шу пайтгача аниқланмаган эди.

ЯҚИН ШАРҚ: УРУШ ХАВФИ ТОБОРА КУЧАЙМОҚДА

1967 ЙИЛ июнь ойида бошланган араблар ва яҳудийлар уруши тугаганидан буён анча сувлар оқиб кетди. Ўшанда Ғазо минтақаси, Урдун дарёсининг чап соҳиллари, Шарқий Қуддус, Жўлан тепаликлари асорат исканжасига тушиб қолган эди. Дажла ва Фрот дарёларидан Ўрта Ер денгизигача чўзилиб борувчи ҳудудда янги — Буюк яҳудий давлатини барпо этиш илинжлари ўтган ўттиз йил оралиғида ҳам сўнганича йўқ.

1967 йил 29 ноябрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга қаратилган резолюция қабул қилди. Унда босиб олинган ерлардан яҳудий қуролли кучларининг чиқиб кетиши, қўшни давлатлар мустақиллиги ва суверенитетини тан олиш, ҳудудий яхлитликни эътироф этиш каби шартлар устивор этиб қўйилган эди. 1991 йилда Мадридда олиб борилган тинчлик музокараларидан сўнг ҳам бу минтақада том маънода яҳудийлар билан фаластинликлар ўртасида яраш бўлмади. Айниқса, 1996 йил июнь ойида Исроил бош вазири лавозимига Беньямин Нетаньяху сайланганидан кейин ўртадаги можаролар кундан-кунга авж олаверди. Қуддус шаҳрида яҳудийлар билан араблар ўртасида бўлган тўқнашув ва тўс-тўполонларда анча-мунча бегуноҳ кишилар ҳалок бўлдилар ва жароҳатландилар.

Икки ўртадаги қарама-қаршилик исроилликлар Шарқий Қуддус ҳудудида ўзлари учун уй-жойлар қура бошлаганларидан сўнг янада қалтислашди. Ўтган ҳафтада Иерусалимдаги Маханей — Егуда деб аталган бозорда рўй берган икки портлаш можаролар тегирмонига сув қуйиб юборди. «Ҳамаз» мутаассиблари уюштирган бу террорчилик ҳуружи натижасида 15 киши ўлди, 170 киши жароҳатланди. Устига устак «хамаз»чилар ушбу ташкилотнинг ушланган барча жангарилари ҳамда «Хамаз» раҳбари Аҳмад Ясинни зудлик билан озод этишни Исроил томонидан талаб этдилар. Акс ҳолда портлашлар давом этаверади, деб таҳдид қилдилар.

Шундай қилиб, Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни хавф остида қолди. У айни кунларда портлагич тўлдирилган бочкага ўхшайди. Бир дона гугуртни ҳам эҳтиёткорлик билан чақишга тўғри келмоқда. Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Миср президенти Ҳусни Муборак билан учрашди. Ўтган сешанба куни эса у Урдун подшоси Ҳусайн Бин Талал билан мулоқотда бўлди. Боз устига Фаластин раҳбарияти БМТнинг Хавфсизлик қўмитасига мурожаат қилиб, исроилликларга тазйиқ ўтказишни талаб қилди. Ўз навбатида Б. Нетаньяху мен ўз фуқароларимни ҳимоя этишим зарур, деган талабни қўйиб, лозим бўлса, биз Фаластин ҳудудларига қўшинларимизни киритишимиз мумкин, демоқда.

Миср пойтахтида «Исроил ҳукумати томонидан Фаластин халқига нисбатан юритилаётган зўравонлик сиёсатига қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида» Араб Давлатлари Лигасининг (АДЛ) фавқулодда йиғилиши бўлди. Мазкур йиғилиш Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафотнинг ёрдам сўраб, АДЛ бош котиби Исмат Абдумажидга йўллаган мактубидан сўнг ўтказилди.

Матбуот хабарларига қараганда, яқинда Қуддусда бўлган портлашдан сўнг, Исроил ҳукумати «фаластинликларни оммавий равишда жазолашга» қарор қилган. Айни пайтда фаластинликларни ҳибсга олиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама чеклаш давом этмоқда. Мухториятнинг банклардаги ҳисоблари ёпиб қўйилган. Ҳатто, Фаластин балиқчиларининг денгизга чиқиши ҳам тақиқланган.

Хуллас, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди. Бу катта хайрли ишнинг аввалдан шафелигида турган Америка Қўшма Штатлари эндиликда қандай оқилона йўллар топа оларкин? АҚШнинг Яқин Шарқдаги вакили Деннис Росс ҳозирча бу ерга келишга шошилмаётир. Ҳарна бўлганда ҳам Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини «тирилтириш» Исроил, Фаластин, қолаверса, бутун жаҳондаги йирик давлатларнинг оқилона, вазмин саъй-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб қолди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

I УКРАИНА президенти ҳузурида давлат мукофотлари билан шуғулланадиган комиссия бор. У яқинда оила ишлари ва ёшлар вазирлигининг янги бир мукофот таъсис этиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Гап «Княгиня Ольга ордени» хусусида эди. Мазкур мукофот ижтимоий, сиёсий, илмий, маданий, меҳр-шафқат борасида, соғлиқни сақлаш, маориф, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва бошқа соҳалардаги улкан хизматлар учун берилади. Лекин, орден олишга тавсия этилган номзод... фақат, аёл киши бўлиши шарт.

I ФРАНЦИЯНИНГ Рива шаҳри фуқароси Клод-Рене Соважни танимайдиган одам йўқ. Чунки, у дайди, уй-жойи тайинсиз бир дарбадар. Соваж бир куни ахлатлар уюмини титаётиб, ғаройиб бир гулдон топиб олди. Унинг ичидан... қимматбаҳо тошлар, ёқутлар, ақиқлар билан безатилган залворли зебигардон чиқди... шундай қилиб, бечора Соваж бир зумда бойиб қўйди. У дарров ҳашаматли уй ва бошқа зарур нарсалар сотиб олди. Аммо, у тинчлигини йўқотди. Ҳар куни ахлатхонага қатнади, уюм-уюм чиқиндиларни тинимсиз ағдараверди. Охир-оқибатда у бетоб бўлиб қолди ва руҳий касалхонага жойлаштирилди.

I ЯҚИНДА АҚШнинг Калифорния штатида истиқомат қиладиган 88 яшар Глин Вольф деган одам вафот этди. Маълум бўлишича, у 29 марта уйланган экан. Г. Вольфнинг сўнгги хотини аввал 22 марта никоҳда бўлган экан. Кўпхотинли отахондан 19

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TV
ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
8.50 «Ҳамкорлик ришталари».
9.15 «Мулкдорлик ҳисси». «Ўзкинохроника» премьераси.
9.35 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қора кўзлар ёдимга тушди». Киноконцерт.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Бармоқлар сеҳри». Телеочерк.
11.20 «Акс садо ҳақида эртак». Мультфильм.
